

---

## Фурқат тумани мезбонлигида яна бир фан олимпиадаси ўтказилди

Фурқат туманида жойлашган "Турон одоб-илм" хусусий мактаби ҳамда "Идеал" ўқув маркази билан ҳамкорликда 8-9 ва 10-синфлар ўртасида 8 та фанлардан иборат "Фурқат тумани ҳокими олимпиадаси" ўтказилди.

Олимпиада Фурқат тумани мезбонлигида Бешариқ, Ўзбекистон, Данғара, Риштон, Бувайда туманлари, Фарғона шаҳри ҳамда Андижон вилоятидан келган 795 нафар ўқувчилар иштирокида ўтказилди.

Олимпиада якунига кўра, 48 нафар ўқувчилар 1-3 ўринларга муносиб кўрилди. Икки нафар олий ўринга ноутбук совға қилинди. Ҳолиблар Фурқат тумани ҳокими томонидан тақдирландилар.

2023-03-23 21:24:41